



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МУАММОЛИ КРЕДИТЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАРТИБИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

¹И.Х.Рахманов

Илмий раҳбар: Тошкент молия институти “Банк иши” кафедраси доценти, и.ф.н.

²Олқарова Зарина Носир қизи

Тошкент Молия институти талабаси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7943744>

ARTICLE INFO

Received: 07th May 2023

Accepted: 16th May 2023

Online: 17th May 2023

KEY WORDS

Риск, кредит риси, кредит портфели, муаммоли кредитлар, активлар сифати, риск-аппетит, диверсификация, стандарт кредитлар, субстандарт кредитлар, қониқарсиз кредитлар, шубҳали кредитлар, умидсиз кредитлар, кредит сиёсати, бир қарз олувчи, ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, йирик таваккалчилик.

ABSTRACT

Мақолада тижорат банкларида муаммоли кредитлар билан ишлаш ва уларни ундириш тартиби, уларни бошқариш амалиёти, муаммоли кредитларнинг банклар фаолиятига салбий таъсири, шунингдек кредит таваккалчилиги бўйича риск-аппетити миқдорий кўрсаткичлари таҳлилий маълумотлар асосида ёритиб ўтилган.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 май «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-5992-сонли Фармонида Ўзбекистон Республикаси банк секторини ислоҳ қилишда кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш каби асосий йўналишлар белгилаб берилган. Шунингдек мазкур Фармонда банк тизимини ривожлантиришдаги қийинчиликлар ва муаммолар қаторида активлар ва пасивлар долларлашувининг юқори даражаси мавжудлиги, кредитлар ва депозитларнинг йирик компаниялар ва иқтисодийнинг алоҳида секторларида жамланиши банкларни валюта ва кредит хатарларига, шунингдек, ликвидлик хавфига дучор қилиши алоҳида қайд этилган.[1]

Тижорат банклари жалб қилган маблағларининг асосий қисмини кредит бериш сифатида фойдаланар экан, бунда фақатгина даромад олиш учун эмас, балки



маблағларни кредит олувчидан тўлиқ қайтариб олиш масаласини олдиндан белгилаб олиши зарур. Чунки, банк сармоя эгаси сифатида сармояни эмас, балки сармоядан фойдаланиш ҳуқуқини маълум бир шарт ва устама фоизлар асосида маълум муддатга сотади.

Кредитлашнинг асосий шарти бу унинг шартнома шартлари асосида ўз муддатида қайтарилишидир. Одатда банкларда кредитларнинг ўз муддатида қайтмаслиги банкнинг пул оқими, шунингдек унинг акциялари бозор нархига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис, банклар бундай ҳолатда муаммоли кредитларни ундириш чораларини кўришлари талаб этилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Халқаро валюта фондининг маълумотларига кўра, кредитлар қўйидаги ҳолларда муаммоли кредитлар деб тан олиниши мумкин:[2]

- Кредитнинг асосий қарзи ва фоизи камида 90 кун мобайнида қайтмайди ҳамда банк бундай мижозларга ўз мажбуриятларини бажаришларга ишонмайди.
- Кредит шартномасидаги ўзгаришлар туфайли 90 кунлик фоизларни тўлаш капиталлаштирилади, қайта молиялаштирилади ёки кечиктирилади.
- Асосий қарз ва фоизларни тўлаш муддати 90 кундан кам муддат ўтган бўлса ҳамда қарз олувчи муддатида тўланмаган кредитни тўлиқ тўлай олмаслиги бўйича шубҳа қилиш учун асос пайдо бўлса.

Тижорат банкларида муддати ўтган кредитлар билан ишлаш ва уларнинг портфелини бошқариш самарадорлигини ошириш масалалари бир қатор хорижий олимларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даражаси 5 фоиздан ошмаслиги лозимлиги таъкидлаб ўтилади[3].

Н.Лыкованинг хулосасига кўра, муаммоли кредитларнинг юзага келишини олдиндан аниқлаш кредит рискинни бошқаришнинг нисбатан ишончли ва самарали усули ҳисобланади[4].

АҚШлик таниқли иқтисодчи олим Ж.Стиглицнинг фикрича, кредит рискиннинг юзага келишининг асосий сабаби бўлиб, тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасининг пасайиши ҳисобланади[5].

Л.Дробозинанинг хулосасига кўра, кредитнинг ўз вақтида қайтарилмаслигини қўйидаги белгилар орқали билиш мумкин[6]:

- балансларнинг белгиланган муддатларда топширилмаслиги (корхонада ҳисоб - китоб ишларининг издан чиққанлиги ҳақида сигнал);
- дебиторлик қарзини тез суръатларда ўсиши (таркибини таҳлил қилиш, пайдо бўлиш вақти ва унинг ўсиши сабабларини аниқлаш);
- қисқа муддатли кредиторлик қарзининг номутаносиб ўсиши;
- ликвидлик коэффициентининг пасайиши;
- активлар суммасида асосий капитал улушининг ўсиши;
- сотув ҳажмининг пасайиши (бозор қандай ўрганилган ва ҳоказо);
- муддати ўтиб кетган қарзларнинг ўсиши;
- операциялар фаолиятдан келадиган зарарларнинг пайдо бўлиши.



Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ҳам бу борада бир қатор илмий изланишларни олиб боришган, хусусан, Ш.З.Абдуллаеванинг фикрига кўра, банкларнинг муддати ўтган кредитлари - бу турли хил кредит рискларига асосланган муайян мезонларга қараб туркумланган кредитларнинг қайтарилишида йўл қўйилган камчиликлар бўлиб, аста секин умумий банк активларининг стандарт ҳолатига тасир қилади деб ҳисоблайди. Иқтисодчи олима ўз таърифида кредитларнинг маълум бир мезонлар асосида туркумланишига, шу билан бирга кредит рискларига алоҳида тўхталиб ўтган. [7]

Муаммоли кредитлар банкларга икки хил йўл билан босим ўтказилади:

Биринчиси, муаммоли кредитлар банкларнинг рентабеллигини пасайтиради, чунки кредитлаш орқали келадиган даромадларни камайтирадиган йўқотишларни келтириб чиқаради.

Иккинчиси, банк йўқотишларга тайёргарлик кўриш учун захираларни яратишлари керак бўлади. Яъни бу шуни англатадики, банклар йўқотишларни қоплаш учун пулни тежашлари керак бўлади. Бу эса, банкларнинг янги кредитлар бериш имкониятини камайтиради ва натижада унинг фойдаси камайишига олиб келади.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари суммаси банк активларининг ўртача суммасига нисбати юқори меъёрий даражаси 1,0 фоизни ташкил этиши мақбул даража бўлиб ҳисобланади[3].

Кредитлардан кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражаси кўрсаткичининг меъёрий даражадан юқори бўлиши тижорат банки таснифланган кредитлари таркибини ёмонлашганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/5-сонли қарори билан тасдиқланган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ, тижорат банклари томонидан берилган кредитлар “стандарт”, “субстандарт”, “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб белгиларига кўра таснифланади.

Муаммоли активлар деганда эса, сифати “қониқарсиз”, “шубҳали” ва “умидсиз” деб таснифланган кредит, микроқарз, овердрафт, лизинг, факторинг, қимматли қоғозлар, инвестициялар, бошқа банклардаги маблағлар, олиниши лозим бўлган ҳисобланган ва (ёки) ундирилмаган фоизли ва фоизсиз даромадлар, банкнинг бошқа хусусий мулклари, бўлиб-бўлиб тўлаш шаклида сотилган мулклар, балансдан ташқари моддалар (чақириб олинмайдиган кредит мажбуриятлари, фойдаланилмаган кредит линиялари, аккредитивлар, кафолатлар) ҳамда кредит таваккалчилиги мавжуд бўлган бошқа активлар ва балансдан ташқари моддалар тушунилади.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ЭМПИРИК ТАҲЛИЛ

Мазкур мақолада статистик жадвал ва графиклар, аналитик таққослаш, мантиқий ва таққослама таҳлил, гуруҳлаш усуллари ҳамда мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишларидан кенг фойдаланилган.



Шунингдек мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг тижорат банкларида муддати ўтган кредитларни самарали бошқариш масалалари бўйича изланишлари, олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзуни ўрганиш жараёнида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда маълумотларни тизимлаш бўйича махсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР


Банкларда муаммоли кредитларни самарали бошқариш авваломбор кредит rischi даражасини тўғри баҳолаш олишни талаб этади.

Банкларда кредит таваккалчилигини аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, назорат қилиш ва юмшатишга хизмат қилувчи кредит таваккалчилигини бошқариш тизими жорий этилиши лозим.

Банкнинг риск-аппетит баёнотида банк стратегик мақсадларига ва бизнес-режа кўрсаткичларига эришишда қабул қилишга тайёр бўлган жами кредит таваккалчиликларини назарда тутувчи банкнинг кредит таваккалчилиги бўйича риск-аппетити белгиланиши керак.

Кредит таваккалчилиги бўйича риск-аппетити миқдорий кўрсаткичларининг айримларини қуйида таҳлил қилиб ўтишга ҳаракат қиламиз.

1. Банкнинг жами активларида кредитлар улушининг энг юқори миқдори.




1-расм. Ўзбекистон банк тизими активлари ва кредитлари улуши динамикаси[8]

Расм маълумотларидан кўриш мумкинки, тижорат банклари активлари 2022 йилда 2018 йилга нисбатан 2,6 баробарга ўсган бўлса, соф кредит қўйилмалари 8,7 фоизга камайган. Лекин шунинг таъкидлаш лозимки, соф кредит қўйилмалари миқдори 2022 йилда 378909,2 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 164670,1 млрд.сўмни

ташқил этган. Бу эса, ўз навбатида кредит қўйилмалари ҳажми 2022 йилда 2018 йилга нисбатан 2,3 баробарга ошганлигини англатади.

Банк активларининг қанча қисми кредитларга йўналтирилганлигига қараб банкнинг риск аппетитига баҳо бериш мумкин. Бу кўрсаткич кредит ажратиш бўйича фаоллик коэффиценти (loans expansion ratio (LE)) ни англатади. Агар ушбу кўрсаткич 60 фоиздан юқори бўлса банк агрессив сиёсат, 50 – 60 фоиз оралиғида бўлса оптимал сиёсат ва 40 фоиздан кам бўлса консерватив сиёсат юритаётганлигини кўрсатади.

2. Кредит портфели йиллик ўсишининг энг юқори даражаси (барча валюталар ва ҳар бир валюта кесимида).



2-расм. Ўзбекистон банклари кредит портфели (валюталар кесимида), фоиз ҳисобида[8]

Валюталар кесимида кредит портфелининг 2022 йилда ўсиши миллий валютада 25 фоизни ташқил этган бўлса, хорижий валютадаги кредит портфели 14 фоизга ўсган. Бугунги кунда, банкларнинг жами кредит портфелининг долларлашув даражаси 47 фоизни ташқил этиб, 2022 йил бошига нисбатан 3 фоиз бандга пасайган.[9]

Мазкур ҳолат, хорижий валютадаги кредитларнинг қайтувчанлик даражасининг 63 фоиздан 69 фоизгача ошганлиги ҳамда 2022 йилда банклар томонидан ажратилган кредитлар таркибида хорижий валютадаги кредитлар улуши 39 фоиздан 35 фоизгача пасайганлиги билан изоҳланади.

3. Бир қарз олувчи, ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, шу жумладан банкка алоқадор шахслар учун таваккалчиликнинг банк биринчи даражали капиталига нисбатининг энг кўп миқдори.

Умуман олганда, Марказий банкнинг тижорат банкларида рискларни тартибга солиш ва бошқаришга нисбатан талаблари ва меъёрларини қуйидаги қуйидаги жадвал маълумотлари орқали ифодалаш мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг кредит рискига қўйиладиган талаблар бўйича иқтисодий меъёрлари[10]



№	Кўрсаткичлар	Меъёрий даражаси
1.	Йирик таваккалчилик	Жами суммаси банк биринчи даражали капиталининг 10 фоизи ва ундан юқори бўлган бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликлар
2.	Банкнинг бир қарз олувчи ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори	Банк биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак
3.	Банкнинг бир қарздор ёки ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таъминотсиз (ишончга асосланган) кредит, шунингдек факторинг хизматлари учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори	Банк биринчи даражали капиталининг 5 фоизидан ошмаслиги зарур
4.	Банкнинг барча йирик таваккалчиликларининг умумий миқдори	Банк биринчи даражали капиталининг 5 баробаридан ошмаслиги лозим
5.	Банкка алоқадор битта шахсга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг кўп миқдори	Банк биринчи даражали капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги лозим
6.	Банкка алоқадор бўлган барча шахсларга тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг кўп миқдори	Банк биринчи даражали капиталининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим

Тижорат банкларида рискларни бошқаришнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш унинг барча фаолиятини алоҳида-алоҳида кўриб чиқишни тақозо этади. Тижорат банклари фаолиятидаги актив ва пассив операциялар, кредитлар, депозитлар, турли халқаро валюталар ва фонд бозоридаги акциялар, облигациялар билан боғлиқ операцияларнинг рискка тортилиш даражасини ўрганиш улар фаолиятининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бир қарз олувчи, ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, шу жумладан банкка алоқадор шахслар учун таваккалчилик ҳисоб-китобларида балансдан ташқари мажбуриятлар капитал монандлиги ҳисоб-китобларида қўлланилган балансдан ташқари моддаларнинг 10 фоиз ва ундан юқори бўлган ҳисоблаш омили қўлланилгандан сўнг чиққан натижалар олинади.

Бир қарз олувчига ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликнинг энг кўп миқдори қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига талаблар;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва давлат органларига банк капитали монандлиги ҳисоб-китобларида таваккалчилик даражаси 0 фоизда бўлган талаблар.



4. Муаммоли активларнинг (кредитларнинг) банк жами кредит портфели ва алоҳида кредит маҳсулоти кесимидаги улушининг энг юқори миқдори.

Банкларда кредитлар сифати коэффиценти (quality of loans (QL)) кўрсаткичи банк кредит портфели таркибида муддати ўтган кредитларнинг улушини акс эттириб, ушбу кўрсаткич 5 фоиздан ошмаслиги ва бунга мувофиқ кредитлар сифати QL 95 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Кўрсаткичнинг белгиланган меъёрдан паст ҳолатда бўлиши кредит портфел ҳолатининг салбий ҳолатда эканлигини англатувчи сигнал ҳисобланади.

Муаммоли кредитларни ундириш тартиби кредит шартномаларида қайд этилган талаблардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Муаммоли кредитлар ундириш ишлари Soft ва Hard collection босқичлари орқали ташкил қилинади.

2-жадвал

Муаммоли кредитларни ундириш ишлари босқичлари

SOFT-COLLECTION БОСҚИЧИ	HARD-COLLECTION БОСҚИЧИ
Муддати ўтган қарздорлик юзага келган санадан бошлаб, тегишли суд органлари (нотариал идоралари)га даъво аризалари киритилгунга қадар муддати ўтган қарздорликларни ундириш чораларини кўриш.	Муддати ўтган қарздорликларни ва мақсадсиз ишлатилган кредитларни ундириш юзасидан тегишли судларга даъво аризаларини киритиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилиш, ўз муддатида амалга оширилмаган қарздорликлар бўйича қарздор ва/ёки гаров мулки эгалари (кафиллар, суғурта компаниялари) билан музокаралар ўтказиш орқали ва амалдаги қонунчилик асосида ундириш чораларини кўриш.

SOFT-COLLECTION БОСҚИЧИ:

Кредит шартнома бўйича муддати ўтган асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар (комиссион даромадлар)нинг ундирилишини ташкил қилиш билан Бош банкда “Муаммоли кредитлар билан ишлаш” департаментининг Soft-collection бошқармаси ҳамда филиалларда “Муаммоли кредитлар билан ишлаш” бўлимлари шуғулланади.

Кредит ажратган таркибий бўлинма ва Муаммоли кредитлар билан ишлаш бўлими ходимлари билан ҳамкорликда кредит ва фоиз тўловлари бўйича 30 кунгача муддати ўтган тўловларни (жорий тўловлар) сўндириш чораларини кўради.

HARD-COLLECTION БОСҚИЧИ:

Ўтказилган музокалардан кейин ҳам қарздорлар (кафил ёки мулк эгалари ва бошқалар) томонидан тўловлар амалга оширилмаса, тегишли ойнинг 15 санасидан кечиктирмасдан кредит қарздорлигини муддатидан олдин тўлиқ ундириш юзасидан шунингдек, ўтказилган мониторинг натижарига кўра мижоз томонидан бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилмаганлиги, молиявий аҳволининг қониқарсизлиги, кредит маблағларининг мақсадсиз ишлатилганлиги, гаров мулкни лозим даражада сақламаганлиги ҳолатлари ва бошқа салбий ҳолатлар аниқланганда суд органларига



даъво аризаси киритиш учун Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлини масига мурожаат қилинади.

3-жадвал

Айрим тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) тўғрисида 2023 йил 1 январь ҳолатига маълумот[11]

млрд.сўм

№	Банк номи	Кредит портфель	Муаммоли кредитлар (NPL)	Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши
Давлат улуши мавжуд банklar				
1.	Агробанк	43 846	1 685	3,8%
2.	Асака банк	36 742	1 707	4,6%
3.	Халқ банки	21 666	2 584	11,9%
4.	Микрокредитбанк	13 319	635	4,8%
5.	Алоқа банк	9 162	186	2,0%
6.	Пойтахт банк	74	0,7	1,0%
7.	Ўзгагроэкспортбанк	6,2	6,0	96,3%
Бошқа банklar				
8.	Траст банк	3 496	132	3,8%
9.	Тенге банк	2 474	181	7,3%
10.	ЎзҚДБ банк	2 032	0,0	0,0%
11.	Гарант банк	1 132	87	7,7%
12.	Равнақ банк	341	244	71,6%
13.	Мадад инвест банк	173	34	19,9%

2023 йил 1 январь ҳолатига тижорат банкларининг муаммоли кредитлари (NPL) давлат улуши мавжуд банklarда ўртача 3,6 фоизни ҳамда бошқа турдаги банklarда мазкур кўрсаткич ўртача 2,1 фоизни ташкил этган.

Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, муаммоли кредитлар асосан давлат улуши мавжуд банklarда бошқа банklarга қараганда нисбатан юқори саналади.

Муаммоли кредитларнинг энг юқори улуши давлат улуши мавжуд банклари ичида Ўзгагроэкспортбанкда 96,3 фоиз ва бошқа банklar ичида Равнақ банкда 71,6 фоизни ташкил этган. Бу ўта салбий ҳолат бўлиб ҳисобланади.

Муаммоли активларни ундириш кредит шартномаси шартларига, эришилган келишувларга ҳамда тегишли суд қарорларига асосан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 51-бандига асосан кредит ва унга ҳисобланган фоизлар балансдан ташқари моддаларда улар бу ҳисобварақларга ўтказилган пайтдан бошлаб беш йилдан кам бўлмаган муддат



мобайнида акс эттирилади. Кредит ҳисобдан чиқарилгандан кейин ҳам унга балансдан ташқари ҳисобрақамларида кунлик фоиз ҳисоблаб борилади.

Бунда банк филиали мунтазам равишда, бир ойда камида бир марта қарздорга балансдан ташқари ҳисобрақамларда юритилаётган кредит ва фоиз қарздорликлари мавжудлигини маълум қилган ҳолда кредит бўйича қарзни қоплаш ва у бўйича ҳисобланган фоизларни тўлаш талаб қилинган даъво хатини, балансдан ташқари моддалардан кўчирма илова қилинган ҳолда, қарздор ёки унинг ҳуқуқий ворисига юборади.

Агар қарздор томонидан балансдан ташқари моддаларда ҳисобга олинмаган актив бўйича қарз тижорат банки томонидан ушбу қарзни ундириш бўйича кўрилган барча чора-тадбирларга қарамасдан, 5 йил давомида тўланмаса, у ҳолда ушбу актив (асосий қарзлар ҳам, фоизлар ҳам) банк Акциядорлари умумий йиғилишининг қарорига асосан ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

ХУЛОСА ВА МУҲОКАМАЛАР

Бизнинг фикримизча мамлакатимиз тижорат банклари томонидан берилган кредитларни муаммоли кредитларга айланмаслигини олдини олиш ва уларни ундириш мақсадида қуйидаги таклифларни келтириш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз:

- банкларга кредит учун келиб тушган аризага атрофлича ёндашув, яъни даслабки мониторингни тўғри ва мукамал амалга ошириш. Бу ерда биринчи навбатда миқдорнинг характерига, унинг молиявий аҳволига, бизнес ҳамкорлари орасидаги мавқеига ҳамда ушбу соҳадаги тажрибасига асосий эътиборни қаратиш;
- кредит аризасини кўриб чиқиладиган даврда миқдор томонидан банкка тақдим этаётган ҳужжатлар тўпламининг тўлиқлигини ва уларнинг тўғрилигини текшириш. Кредит бўлими ходими томонидан миқдорнинг молиявий аҳволи чуқур таҳлил этилиши ва ҳолисона баҳо берилиши зарур:
- кредит ажратилган даврдан бошлаб, миқдорнинг бизнес-режаси бўйича амалга оширадиган ишларини, ҳисобрақамидаги маблағлари айланмасини доимий равишда назорат қилиб бориш, муддати ўтган дебиторлик-кредиторлик қарздорликларига йўл қўймаслик чораларини кўриш;
- кредит таъминоти сифатида тақдим этилган мол-мулкни сақлаш ва эксплуатация шароитини доимий равишда назорат қилиб бориш;
- кредит таъминоти сифатида учинчи шахснинг кафиллик шартномаси тақдим этилган бўлса, кафилнинг молиявий ҳисоботларини ҳар чоракда бир маротаба таҳлил қилиб унинг тўлов қобилиятини ўрганиб бориш;
- корхонанинг мол-мулкни баҳолашда банкнинг мулкни баҳолаш бўйича мутахассисига кўпроқ имкониятлар яратиб бериш.

Шунингдек, тижорат банкларида муаммоли кредитларни самарали бошқаришда қуйидаги бир қатор омилларни ҳисобга олиш зарур:

- банк активлари сифати устидан доимий, таъсирчан мониторинг олиб бориш, банк активлари билан боғлиқ муаммоли ҳолатларни дастлабки босқичларда аниқлаш ва бартараф этиш механизмини мустаҳкамлаш;



- банкларда активларни кенг диверсификация қилиш, кредит портфелини соғломлаштириш орқали таваккалчиликларни самарали бошқаришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва иқтисодий вазиятдан келиб чиқиб уларга зарур ўзгартиришлар киритиб бориш;
 - банк тизимига оид қабул қилинган қарорлар ҳамда кредит муносабатларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар ижросини ташкил қилиш асосида кредитлаш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни баҳолаш, ўрганиш, уларни таҳлил қилиш, бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилишини назорат қилиш;
 - муаммоли кредитларни бошқаришнинг халқаро усуллари ва тажрибаларини Ўзбекистон банк тизими амалиётида қўллаш;
 - банк кредит сиёсати ва кредитлаш тамойиллари шартларига риоя этилишини назорат қилиш;
- кредитларни реструктуризация қилиш амалиётини такомиллаштириш;

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 май «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида» ги ПФ-5992-сонли Фармони. - <https://lex.uz/docs/4811025>
2. www.imf.org (Халқаро валюта фонди) – интернет сайти маълумотлари.
3. www.world.com (Жаҳон банки гуруҳи) - интернет сайти маълумотлари.
4. Лыкова Н.М. Раннее обнаружение проблемных кредитов // Банковское дело. – Москва, 2013. - №8. - С. 51.
5. Доклад Стиглица. Пер. с англ. – М.: Международные отношения, 2010. – С. 69-70.
6. Дробозина Л.А. Финансы, денежное обращение, кредит -Москва. ЮНИТИ, 2000. – С. 329.
7. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т.: - Молия.-2012-Б. 124.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2020-2022 йиллардаги статистик бюллетень маълумотлари.
9. ХВЖ “Пул-кредит статистикаси” методологияси бўйича кредитлар долларлашуви 45,6 фоизга тенг бўлган.
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 21 сентябрдаги “Бир қарз олувчи, ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳи, шу жумладан банкка алоқадор шахслар учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдори тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 21/12-сон Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2022 йил якунлари бўйича статистик маълумотлари асосида ҳисобланди.